

Ким саййидул истиғфор айтса...

Image not found or type unknown



15:00 / 16.03.2020 7650

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

«Ва гуноҳингизга мағфират сўранг ҳамда туну кун Парвардигорингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни) покланг!» (Ғофир сураси, 55-оят), **«Ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар (нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг»** (Муҳаммад сураси, 19-оят), **«Аллоҳдан мағфират қилишни сўра нг! Албатта Аллоҳ мақфират қилгувчи ва меҳрибон бўлган зотдир»** (Нисо сураси, 106-оят), **«Тақводор кишилар учун Парвардигорлари ҳузурида улар абадий қоладиган, тағларидан дарёлар оқиб тургувчи боғлар, покиза жуфтлар ва Аллоҳнинг Ризолиги бор. Аллоҳ - «Парвардигоро, бизлар Сенга имон келтирганмиз, бас, гуноҳларимизни мағфират айла ва бизни жаҳаннам азобидан асра!»**

- дейдиган сабр-қаноатли, имонларига содиқ, ибодат-итоатли, инфоқ-эҳсонли бўлган ва саҳарларда Аллоҳдан мағфират тилайдиган бандаларини кўриб тургувчидир» (Оли Имрон сураси, 15-17-оятлар), «Модомики, сиз уларнинг ораларида экансиз, Аллоҳ уларни ҳаргиз азобламас ва улар мағфират сўраб турган ҳолларида ҳам Аллоҳ уларни азоблагувчи эмасдир!» (Анфол сураси, 33-оят), «(У тақводор зотлар) қачон бирон-бир нолайиқ иш қилиб қўйсалар ёки (қандайдир гуноҳ иш қилиш билан) ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрайдиган, - ҳар қандай гуноҳни ёлғиз Аллоҳгина мағфират қилур, - билган ҳолларида қилган гуноҳларида давом этмайдиган кишилардир» (Оли Имрон сураси, 135-оят), «Ким бирон-бир ёмон иш қилса ёки ўз жонига жабр қилса, сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳнинг мағфират қилгувчи ва меҳрибон эканини топар-кўрар» (Нисо сураси, 110-оят), «Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, сўнгра Унинг Ўзига тавба қилинглар» (Ҳуд сураси, 3-оят), Аллоҳ Нуҳ алайҳиссалом ҳақларида хабар бериб: «Мен дедимки: «Парвардигорингиз (Аллоҳ)дан мағфират сўранглар, албатта У ўта мағфиратли бўлган зотдир» (Нуҳ сураси, 10-оят), Аллоҳ таоло Ҳуд алайҳиссалом ҳақларида ҳикоя қилиб: «Эй қавмим, Парвардигорингиздан мағфират сўрангиз, сўнг Унга тавба-тазарруъ қилингиз», деб айтган (Ҳуд сураси, 52-оят).

Истиффор ҳақида оятлар кўпдир. Биз огоҳ этиш учун баъзиларинигина зикр қилдик, холос. Аммо истиффор ҳақида ворид бўлган ҳадислар кўплигидан уни қамраб олиш мумкин эмас. Лекин ана шундан баъзи тарафларигагина ишора қиламан:

Ағаррул Музаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг қалбим ҳам (зикрдан тўхтаб) тўсилиб туради. Албатта, мен ҳам ҳар куни Аллоҳ таолога юз марта истиффор айтаман», дедилар. *Имом Муслим ривоятлари.*

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга қасамки, албатта мен Аллоҳ таолога бир кунда етмиш мартадан кўп истиффор айтиб, тавба қиламан», дедилар. *Имом Бухорий ривоятлари.*

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким саййидул истиффор -

أَمْ كَذَّبْتُمْ وَعَدَّوْا كَذِبًا أَوْ كَذَّبَ الَّذِينَ تَدْعُونَ أَمْ لَا أُنذِرُكُمْ أَنْ تَكُونَ مِنَ الْخَائِبِينَ أَلَمْ نَقُلْ إِنَّ الْإِنسَانَ لِرَبِّهِ لَكَنَّاظِرٌ أَلَمْ يَكُنْ مِنْكُمْ مَنْ نَادَىٰ لِقَوْمِهِ يُجْعَلُونَ الْإِنسَانَ بِمَا كَسَبَ ذُوقُوا عَذَابَ اللَّهِ إِنَّ عَذَابَ اللَّهِ لَظَرٌّ مُّهِينٌ

«Аллоҳумма анта роббий Лаа илаҳа илла анта холақтаний ва ана ъабдука ва ана ъала ъаҳдика ва ваъдика мастатоъту аъувзу бика мин шарри ма сонаъту, абу'у лака биниъматика ъалаййа ва абу'у бизамбий фағфирлий фаиннаҳу ла йағфируз зунуба илла анта»ни кечки пайт айтиб, шу куни вафот этса, жаннатга киради. Ким тонгда айтиб, шу куни вафот этса, унда ҳам жаннатга киради», дедилар.

Маъноси: Аллоҳим, Сен Парвардигоримсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ. Мени халқ қилдинг ва мен Сенинг қулингман. Мен Сенга берган ваъдамда ва Сенга берган аҳдимда қодир бўлганимча турибман. Қилган нарсаларимнинг ёмонидан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман. Менга ато қилган неъматларингга иқрор бўлдим. Ва яна гуноҳларимга ҳам иқрор бўлдим. Менинг гуноҳларимни кечир. Чунки Сендан бошқаси гуноҳларимни кечира олмайди.

Имом Бухорий ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан